

№ 22/1-381 -son
2022-yil. «02» 03

**Ўзбекистон Республикаси Ахборот
технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги**

2021 йил 11 июндаги
32-11-сон топшириғига


Вазирликнинг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлар дастурининг 69-бандига асосан Тошкент шаҳридаги Инха университетида 2022 йил 2 март куни “Почта алоқаси”га оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мавзусидаги ўтказилган видеоконференция тарзидаги йиғилиш маълумотлари PDF ва PPTX иловалар орқали юборилмоқда.

Ҳавола: <https://inha.uz/uz/yangiliklar>

PDF-иловалар сони: 4 бет.


PPTX-слайдлар сони: 11 бет.

Ректор в.б.



М.Джалалов

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



Тошкент шаҳридаги Инха
университети ректори в.б.

М.Джалалов

« 02 » 03 2022 йил

**Тошкент шаҳридаги Инха университетиди Почта алоқаси фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти мавзусида ўтказилган йиғилиш
1 -сон БАЁННОМАСИ**

Сана 02.03.2022 йил.

соат 11:00 да.

Тошкент шаҳри.

Раислик қилувчи:

Т.Турсунмуратов - Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор.

Қатнашдилар:

Т.Матчанов - Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи, И.Юлдашев - Юридик бўлими бош юрисконсулти ҳамда университетнинг барча бўлим бошлиқлари ва масъул мутахассислари.

КУН ТАРТИБИ

- 1. Почта алоқаси тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида;**
- 2. Тошкент шаҳридаги Инха университетда хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини амалга ошириш тўғрисида;**
- 3. Тошкент шаҳридаги Инха университетда 2021 йил давомида амалга оширилган хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматлари тўғрисида қисқача статистика;**
- 4. Почта тўғрисида билишимиз керак бўлган маълумотлар.**

Т.Турсунмуратов, Т.Матчанов, И.Юлдашев сўзга чиқдилар

Тошкент шаҳридаги Инха университети (кейинги ўринларда- Университет) Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор Т.Турсунмуратов йиғилишни очиб берди шундан сўнг Университет Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи Т.Матчанов сўзга чиқиб, Университетда Почта алоқаси бўйича қайси норматив-ҳуқуқий

хужжатлар билан иш олиб бориши тўғрисида куйидаги хужжатларни санаб ўтди:

2000 йил 31 августдаги Ўзбекистон Республикаси “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонун (31-моддадан иборат);

2009 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган ва расмий кучга кирган. Ушбу Қонун билан эндиликда “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуни 6 бобга бўлиниб 32-моддадан иборат бўлган, айрим моддаларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилган (ҳозирда янги тахрирда қабул қилиниши кутилмоқда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 339-сон «Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори этиб белгиланган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Умумжаҳон почта иттифоқининг хужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш белгиланган;

2011 йил 18 апрелда 2219-сонли буйруғи билан Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш Қоидалари тасдиқланган. Ушбу Қоидалар 8-бобдан ва 211-моддадан иборат.

Мазкур Қоидалар почта алоқаси хизматларини кўрсатувчи почта алоқаси операторлари, провайдерлари ва ушбу хизматлардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиди ва почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тартибини, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳамда фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги 4699-сон “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳуқуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган.

Ушбу қарорни ижросини таъминлаш, шунингдек, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан юридик ва жисмоний шахслар номига йўлланувчи хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик хужжатларни почта алоқаси объектлари тармоғи орқали етказиб бериш жараёнини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг

Ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган;

2020 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4921-сон қарори қабул қилинди.

Қарор билан почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштиришда қуйидагилар асосий йўналишлар деб белгиланган:

Хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш;

Электрон тижорат бозоридаги фаолиятни ривожлантириш;

Хизматлар бозоридаги почта алоқаси фаолиятини ривожлантириш деб белгиланганлиги тўғрисида тушунтиришлар бериб ўтди.

Шунингдек, кун тартибидан ўрин олган иккинчи масала Тошкент шаҳридаги Инҳа университетда хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини амалга ошириш тўғрисида қуйидагича айтиб ўтди.

Авваламбор Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида Почта бўлими мавжуд бўлмаганлиги сабабли Университет ва Ўзбекистон почтаси ўртасида 2020 йил 12 февралда 12-сонли хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматлари тўғрисидаги шартномаси имзоланган. Унга кўра Университетга Тошкент почтасидан курьер бириктирилган бўлиб ушбу хизматга иш юзасидан эҳтиёж тўғилганда Университетнинг Мониторинг ва ижро назорати бўлими орқали курьерлик хизматидан фойдаланишингиз мумкинлигини;

Шундан кейин, Университетда хат-хабар юбориш тартиби қуйидагича юборилишини:

1. Хат-хабар юборувчи бўлим томонидан 1 кун олдин Мониторинг ва ижро назорати бўлимини курьерлик хизмати керак эканлиги тўғрисида асосли хабар бериши;

2. Хат-хабар юборувчи бўлим томонидан юбормоқчи бўлган ҳужжатларини ва наъмуна-1 (реестр) жадвали тўлдирилиб тасдиқланган ва тўлиқ ҳолда Мониторинг ва ижро назорати бўлимига тақдим этиши;

3. Мониторинг ва ижро назорати бўлими, бўлимлар тақдим этган наъмуна-1 жадвалга асосан наъмуна-2 (реестр) жадвалини шакиллантирган ҳолда ҳужжатларни курьерга тақдим этишини айтиб ўтди.

Шунингдек, Университетда 2021 йил давомида амалга оширилган хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматлари тўғрисида қуйидаги қисқача статистикани айтиб ўз нутқини яқунлади.

№	Бўлим номи	№
1	Маънавият ва маърифат бўлими	190
2	Юридик бўлими	158
3	Академик бошқарув ва Абитуриентлар қабули бўлимлари	34
4	Ходимлар бўлими	15
5	Иқтисодий прогнозлаштириш ва молиявий режалаштириш бўлими	1

Шундан сўнг сўз навбатини Университетнинг Юридик бўлими бош юрисконсулти И.Юлдашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги “Соҳа ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш бўйича” 32-11-сонли чора-тадбирлари дастури бўйича Университетнинг бўлим бошлиқлари ва масъул мутахассисларига тушунтиришлар бериб ўтди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳамда берилган топшириқлар асосида йиғилиш **қарор қилди:**

1. Юридик бўлими бош юрисконсулти И.Юлдашевга, йил давомида ижро интизомига риоя қилиш ва масъулиятсизлик билан қараган ходимларга интизомий жазо чоралари борлиги тўғрисида ходимлар ўртасида доимий равишда тушунтириш ишларини олиб бориши ва керак бўлганда вазият тақозо этганда масъулиятсиз ходимларга ўрнатилган тартибда жазо чораларини қўллаб борсин.

2. Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи Т.Матчановга, йил давомида ижро интизоми ва унда бўлаётган камчилик ва муаммолар бўйича Университетнинг ижро интизомига масъул бўлган мутахассисларига тушунтиришлар бериб борсин.

3. Ушбу баённома ижросини назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Баённомани тузувчи



Н.Суюнова